



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - mart

635а -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Хожиева Арзигулнинг
турар жой биносига бўлган эгалик
хукукини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида яшовчи фуқаро Хожиева Арзигулнинг “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хукукини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 23 февралдаги ШЯ-Х-746-сонли аризасини, “Соҳибкор” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 февралдаги 405-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 86,4 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 158,7 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 245,1 квадрат метр, қурилиш ости майдони 317,05 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Хожиева Арзигулга мулк ҳукуки асосида унга эгалик ҳукуки белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Хожиева Арзигулга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Хожиева Арзигулга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев